## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ЧИРЧИҚ ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# СОВЕТЛАРНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ ВА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

### ЧИРЧИҚ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРЛАШГАН СЕССИЯГА ДОКЛАДИ ТЕЗИСЛАРИ

**ИЛГАРИ хабар қилинганидек, 13 июнь куни халқ депутатлари Тошкент область Совети ҳамда халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Советининг бирлашган сессияси бўлади. Сессияда «Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитетининг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдаги ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида ҳисоботи» муҳокама қилинади.**

**Қуйида Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитети раиси Н. Ф. Шариповнинг бирлашган сессияда қиладиган доклади тезислари эълон қилинмоқда.**

ЧИРЧИҚ шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар партия комитети раҳбарлигида, КПСС XXVII съезди кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда бутун ишни қайта қуришга ва шаҳар халқ хўжалиги муҳим тармоқларини жадал ривожлантириш, ўткир бўлиб турган социал масалаларни ҳал этиш, чирчиқликларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга қатъий киришди. Эътироф этиш керакки, бу йўлда эндигина дастлабки қадамлар қўйилди. Ижроия комитет, унинг бўлимлари ва бошқармалари шаҳар ҳаётига оид тиғиз масалаларни ҳал эта бориб, кўп тармоқли хўжаликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилашга эътиборни кучайтирдилар, кейинги йилларда юзага келган тангликлар ва номутаносибликларни бартараф этишга янада қатъийроқ киришдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдаги, ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига қарийб бир йил бўлди. Бугун Советлар иши қай даражада ўзгарганлигини, унинг қайта қуришга, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга қандай таъсир кўрсатаётганлигини, хўжалик ва маданий қурилишга, меҳнат коллективларини план ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш масалаларини координациялашга янгича ёндашиш ва бу соҳада қандай конкрет қарорлар қабул қилинаётганлигини кўриб чиқишнинг айни пайтидир. Ишнинг дастлабки якунлари шуни кўрсатмоқдаки, Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитети қайси идорага бўйсунишларидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар фаолияти, хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш устидан назоратни кучайтирди.

Шаҳарни 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг комплекс плани ижроком фаолиятида асосий ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Бу план лойиҳаси меҳнат коллективларида кенг муҳокама этилди.

Комплекс планга халқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш. экономика ривожини социал мақсадларга йўналтириш, социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда инсон омилини активлаштириш каби муҳим масалалар асос қилиб олинган.

Ижроия комитет шаҳарни социал-иқтисодий ривожлантириш планини ҳисобга олган ҳолда хўжалик вазифаларининг ҳал этилиши муайян меҳнат коллективларини социал ривожлантириш планларини амалга ошириш билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган қатор программаларни ишлаб чиқди.

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш тармоқлари ва социал соҳалар бир меъёрда бўлишини таъминлаш ишларида кейинги йилда ишлаб чиқилиб, тасдиқланган «Саломатлик», «Аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматни ривожлантириш», «Корхоналарни кўп сменали иш режимига ўтказиш», «Тежамкорлик», «Меҳнат», «Табиат» ва бошқа аниқ мақсадга қаратилган комплекс программаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шаҳар Совети ва унинг ижроия комитети томонидан ташкилий-оммавий ишлар, коллективларни белгиланган план ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига сафарбар этиш юзасидан амалга ошираётган тадбирлари муайян натижаларни бермоқда. Шаҳар корхоналари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича беш ойлик планни бажардилар. Планга қўшимча 5309 минг сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 104.7 процент ўсди.

Капитал қурилишда маблағ ўзлаштириш плани 110 процент бажарилди. 18,4 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Бироқ шу билан бирга рўй-рост айтиш керакки, биз ўз ишимизни партия ва ҳукумат қарори асосида тўла қайта қурдик дея олмаймиз. Айрим жойларда ҳамон эскичасига раҳбарлик ва хўжалик юритиш ҳоллари учраб турибди. Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш юзасидан мувофиқлашган чоралар кўрилмаяпти, хўжалик юритиш юзасидан янгича ҳуқуқлардан тўла фойдаланилмаяпти. Айрим кўрсаткичлар бўйича беш ойлик планнинг барбод этилганлигига сабаб ҳам мана шу нуқсонлардир.

Саноат маҳсулотлари етказиб бериш плани 99,1 процент бажарилди. Бир қатор корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари пасайди. Қурилиш ташкилотлари ишида ўзгаришлар сезилмаяпти, қурилиш муддатларини барбод этиш, объектларни қатор чаласи билан топшириш давом этяпти.

Савдо ва маиший хизмат корхоналарининг бугунги иши аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжига жавоб бермайди. Чакана товар обороти плани 96,8 процент бажарилди. Бунинг асосий сабаби маҳсулот етказиб берилмаганлигидан ташқари савдо ишини ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигидир.

Маиший хизмат корхоналари бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қараганда қониқарсиз ишламоқдалар. Хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича планлар сурункасига бажарилмай келиняпти. Биз бу қолоқликни қисқартириш ўрнига ой сайин кўпайтиряпмиз.

1990 йилга бориб намунали хизматни йўлга қўйиш имконини берадиган «хизмат соҳаси модели»ни жорий этиб, аҳволни ўнглаб олишга умид боғлаб турибмиз. Ҳозир конкрет комплекс планлар ишлаб чиқилган. У амалга оширилса, моддий-техника базаси мустаҳкамланади, хизмат турлари кенгаяди. маданияти ошади.

Намунали хизмат кўрсатиш тадбирларида шаҳар корхоналари ва ташкилотлари томонидан аҳолига пулли хизмат ҳажмини кўпайтиришга асосий ўрин берилган. Бундай хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган юзга яқин корхона ва ташкилот ҳар йили 20 миллион сўмликдан кўпроқ қўшимча даромад келтиради. Аммо, афсуски, бизнинг ҳамма хўжалик раҳбарларимиз ҳам бу муҳим ишнинг аҳамиятини яхши тушуниб етмаяптилар, шу турдаги хизмат кўрсатишни ривожлантириш йўлларини излаш ўрнига бу соҳадаги планларни камайтиришга уринмоқдалар.

Пулли хизмат бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилиши масаласи ижроия комитетнинг қатъий назорати остида бўлади.

Сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш шаҳар Совети фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бу масалада бир мунча силжишга эришилди. 1986 йилда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш плани уддаланди. Планга қўшимча чакана нархда 41 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Мавжуд 21 та корхонадан 19 таси халқ истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда.

Бироқ, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Бирюкованинг республика партия-хўжалик активи йиғилишида шу масала юзасидан бизнинг шаънимизга айтган танқидий фикрлари мутлақо адолатлидир. Кўп турдаги маҳсулотлар ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб чиқарилмоқда, холбуки уларга харидорлар томонидан ҳеч қандай талаб йўқ. Ишлаб чиқариш чиқитлари ва маҳаллий хом ашёлардан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш имкониятлари ўрганилмайди ва фойдаланилмайди.

Шу йил 1 январдан бошлаб маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилганлиги айрим корхоналарнинг бу ишга ҳали тайёр эмасликларини кўрсатди. 1987 йилнинг ўтган даврида трансформатор ҳамда «Узбекхиммаш» корхоналарида ва умуман шаҳар бўйича халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг V сессиясида белгилаб берилган топшириққа мувофиқ Совет ҳокимиятининг 70 йиллигига давлат планларини бажармаган бирорта коллектив қолмаслиги керак. Бу муҳим топшириқни бажариш учун ижроия комитет катта ташкилотчилик ишларини амалга ошириши, қабул қилинган қарор ва белгиланган планларнинг бажарилиши, ҳамма соҳалардаги қолоқликни бартараф этиш учун амалий назорат ўрнатиши лозим.

Шаҳар халқ хўжалигида кўпгина муаммолар тўпланиб қолди. Улар зудлик билан ҳал этилиши лозим. Айрим масалалар эса биринчи навбатда ҳал қилиниши зарур. Шаҳар қурилишини комплекс олиб бориш, турар-жойлар қурилиши суръатини жадаллаштириш, асосий ишлаб чиқариш фондлари актив қисмини янгилаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш, маҳсулот сифатини яхшилаш. транспорт муаммолари, меҳнат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

Турар-жой муаммоларини ҳал этиш шаҳар Совети ва унинг ижроия комитети учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Шаҳарда ҳар бир оилани 2000 йилга бориб уй-жой билан таъминлаш программаси ишлаб чиқилди, турар-жойга бўлган эҳтиёж аниқ белгиланди. Бироқ қурилиш индустрияси қувватини кучайтириш ва қурилиш учун ер ажратиш масалалари бугунги кунгача ҳал этилгани йўқ. Шу масала юзасидан юқори ташкилотларга бир неча марта қилган мурожаатимиз ҳеч қандай натижа бермади. Шу сабабдан кооператив, якка тартибда ҳамда ёшлар комплексларини қуришни авж олдириш тўхтатиб турилибди.

Илмий-техника тараққиёти жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шаҳар Совети ижроия комитетининг вазифаси корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, илғор технологияни жорий этиш, юқори унумли асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, қўл меҳнатини камайтиришдан иборатдир. Бу ишда корхоналарни кўп сменали иш режимига ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг шаҳримиз республикада биринчилар қатори икки ва уч сменали иш режимига ўтишга киришди. Бу ишда ҳозирданоқ муайян ютуқларга эришилди. Асбоб-ускуналарнинг сменалилик коэффициенти 2,13 га, ишлаб турганлариники эса 1,69 га етказилди. Эскириб кетган 200 дан кўпроқ асбоб-ускуна алмаштирилди, 1,5 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдони бўшатилди.

Кўп сменали ишга ўтиш туфайли 5 миллион сўмликка яқин қўшимча маҳсулот олинди. Шу билан бирга бир қатор корхоналарда бу иш хўжакўрсинга ўтказиляпти, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда сезиларли силжишга эришилмаяпти. Кўп сменали иш режимига ўтиш меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Бироқ сменалилик оширилгани билан қўшимча ишчи кучлари жалб этилмади. Ижроия комитет бу муаммони ҳеч қаерда ишламаётган кишиларни кооперативларга жалб этиш йўли билан ҳал этмоқчи. Шаҳарда ҳозирнинг ўзидаёқ 17 та кооператив ташкил этилиб, уларга 300 киши жалб этилди. Ҳозир 10 та кооператив иш бошлади, қолганлари тайёргарлик кўряпти.

Шаҳар Совети ижроия комитети якка тартибдаги меҳнат тўғрисидаги Қонунни амалга оширишга катта эътибор бермоқда. Фақат май ойининг ўзида турли соҳа бўйича якка тартибда ишлашга патент олган ёки рухсатномаси бўлган 100 дан кўпроқ кишини рўйхатга олди. Улар орасида автомобилларни ремонт қилиш, дурадгорлик каби янги хизмат турлари бор.

Кейинги вақтларда биз озиқ-овқат программасининг қандай бажарилаётганлиги устидан назоратни сусайтириб юбордик. Шаҳарда шахсий хўжаликлар сони ошмаяпти, моллар сони, гўшт етиштириш кўпаймаяпти. Ишлаб турган ҳар бир киши ҳисобига бор-йўғи 3,4 килограмм гўшт етиштириляпти, холос. Биз бу соҳадаги ишни кучайтиришимиз керак. Бироқ озуқа билан таъминлашда юқори ташкилотларнинг ёрдамига муҳтожмиз.

Кўпгина йўналишларда ишларимизни яхшилаб олишимиз керак бўлади. Уй-жойлар қуриш ва ремонт қилиш сифатини анча ошириш, шаҳарнинг бутун социал-маиший соҳаларини янада ривожлантириш талаб этилмоқда. Гражданларнинг уй-жой-коммунал хизмати, соғлиқни сақлаш , транспорт ва алоқа органларининг қониқарсиз ишлари тўғрисидаги шикоятлари мутлақо ўринлидир.

Биз ўтган йили иситиш мавсумидаги хатоларимизни такрорламаслигимиз керак. Бутун халқ хўжалиги тармоқларини 1987—1988 куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашга ҳозирданоқ қатъий киришишимиз лозим. Шу ўринда бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Шаҳар территориясидаги корхоналар фаолиятини координациялаш ва социал инфратструктурани ривожлантиришдаги ўз ҳуқуқларимиздан фойдаланишда маҳкамачилик тўсиқларига, министрлик ва идораларнинг ўз корхоналари социал соҳаларини ривожлантиришга маблағ ажратиш масаласини ҳал этишни истамасликлари каби ҳолатларга дуч келамиз. Моддий-техника таъминоти, пулли хизмат кўрсатиш планларининг бажарилиши каби масалалар ҳал этилмаяпти. Ҳолбуки, бу масалалар министрлик ва идораларнинг тўғридан-тўғри вазифасидир.

Шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарлик қилишнинг иқтисодий методлари муҳимлигини ҳисобга олиб ҳамда бу ишни мавжуд бўлимлар билан уддалашни таъминлаш мумкин эмаслигини тушуниб, янги структуравий бўлинма — корхоналар маблағи ҳисобига шаҳарни комплекс социал-иқтисодий ривожлантириш бўлими тузди. Бу бўлим ривожланишнинг комплекслилигини ва халқ хўжалиги ҳамма тармоқлари иши самарадорлигини ошириш, нима учун айрим корхоналарнинг қониқарсиз ишлаётганликларини чуқурроқ тушуниш, атроф муҳитни муҳофаза этиш комплекс планларининг бажарилишини назорат қилиб бориш имконини беради. Айтиш керакки, қурилаётган бу чораларга қарамай, биз ташқи муҳитни сезиларли даражада соғломлаштиришга эришганимиз йўқ, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси , Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, «Узбекхиммаш», «Чирчиксельмаш» заводлари, шаҳар автомобиль корхоналари ҳаво, сув ва тупроқни соғлиқ учун зарарли чиқиндилар билан ҳамон ифлослантиришда давом этмоқдалар.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ҳам кўпгина эътирозларга сабаб бўлаётир. Меҳнаткашларнинг шикоятлар, медицина ходимларининг беморларга нисбатан эътиборсизлиги, қўполлиги, қабулига келувчиларнинг узоқ кутиб қолишлари, шифохоналарга жойлаштиришга рухсат берилмаслиги юзасидан шаҳар Совети ижроия комитети ва шаҳар партия комитетига кўплаб мурожаатлар ана шундан далолат бериб турибди.

Ижроия комитет, соғлиқни сақлаш бўлими, доимий депутатлик комиссияси шаҳардаги медицина муассасалари ишида қатъийлик билан тартиб ўрнатишлари лозим.

Умумтаълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ масалалар шаҳар Совети ижроия комитети фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Маориф муассасалари моддий базасини ривожлантириш ишлари 1990 йилгача мўлжаллаб ишлаб чиқилган перспектив план асосида амалга оширилмоқда.

Ҳар йили халқ маорифи эҳтиёжлари учун маҳаллий бюджетдан 9 миллион сўм, саноат корхоналари эса 20 минг сўм маблағ ажратадилар. Шунга қарамай, мактаб ислоҳоти ҳали лозим даражада жадаллашгани йўқ. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мактаб ислоҳоти тўғрисидаги қарорида база корхоналари олдига катта вазифалар қўйилган. Аммо база корхоналари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари мактабларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, унумли меҳнатни ва ўқувчиларни касбга йўналтиришни ташкил этишга яхши эътибор бермаяптилар. Улар мажбурият шартларини ҳам бажармаяптилар.

Қайта қуриш ва Совет жамиятини демократлаштириш шароитида маданият ва спортнинг роли бир неча карра ортади. Бу соҳалар фақат кишиларнинг бекорчилик пайтини ўтказиш учун керак, деб тушуниладиган бўлиб қолган эди. Ҳолбуки, маданият ва спорт шахснинг актив ҳаётий позицияга аралашувини таъминлайдиган бевосита ҳаракатдаги механизм бўлиб хизмат қилмоғи керак.

Шаҳар Совети ижроия комитети, маданият бўлими, шаҳар спорт комитети маданият ва спортга оид бутун потенциални инсон тарбияси ва унинг ахлоқий-маънавий жиҳатдан янгиланишига хизмат қилишига сафарбар этмоқда. Ижроия комитет, корхоналар ва барча манфаатдор ташкилотлар бирлашиб куч-ғайрат сарфлаганлари тақдирдагина бу муҳим ва масъулиятли вазифани муваффақиятли ҳал этиш мумкин бўлади.

Шу мақсадларда шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан шаҳар маданий-спорт комплекси барпо этилди. Бироқ бу хайрли иш шаҳар корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан яхши қўллаб-қувватланмади ва уларнинг ёрдами билан мустаҳкамланмади. Бирорта йирик корхона шу кунгача ҳам маданий-спорт комплекси ҳисобига пул ўтказгани йўқ.

Чирчиқ дарёси бўйида шаҳарликларнинг «Ором» деб номланган дам олиш зонаси пайчилик усулида қурилиб ободонлаштириляпти. Шаҳар маданият ва истироҳат боғини «Чирчиксельмаш» заводи ўз оталиғига олди. Завод коллективининг кучи билан стадион ободонлаштирилди ва жиҳозланди.

Физкультура ва спорт комитети 56 физкультура коллективини бирлаштирган. Шаҳардаги 32 спорт тури тўгаракларида 20 мингдан кўпроқ киши шуғулланмоқда. «Саломатлик группалари», умумий жисмоний тарбия ва ГТО системаларида 20 мингдан кўпроқ киши мунтазам шуғулланиб келмоқда. Уч халқаро классдаги спорт мастери, 20 нафар биринчи разрядли мастер, 10 мингдан зиёд оммавий разрядли спортчилар тайёрланди. СССР халқлари IX спартакиадасида чирчиқлик спортчилар 2 та олтин ва 3 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Шу билан бир қаторда бу рақамлар ортида кўпгина камчилик ва нуқсонлар ҳам яшириниб ётибди. Жумладан, спортнинг оммавийлиги талаб даражасида эмас. Ҳолбуки, шаҳарда 160 минг киши истиқомат қилади. Спорт жамоатчилиги турар-жойларда, тарбияси қийин ўсмирлар ўртасида физкультурани ривожлантиришнинг ташаббускори бўлмаяптилар.

Шаҳарда оператив ҳолат мураккаб бўлиб турибди. Биз қонунбузарликнинг оз бўлса-да, камайишига эришганимиз йўқ. Ҳамма ерда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўшаштириб юборилган. Буларнинг ҳаммаси шаҳар ички ишлар бўлими, унинг бўлинмалари, айниқса, участка хизматлари ишида жиддий нуқсонлар борлигидан далолат беради.

Яқинда шаҳарда қонунбузарликка қарши кураш координацион Советининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис тавсиялари қонунни муҳофаза қилувчи органлар учун ҳаракат плани бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Қайта қуриш — социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг бутун резервларини ишга солиш демакдир. Советлар фаолиятида демократияни янада ривожлантирмай туриб, унинг ишига кенг оммани жалб этмай,- иш услубини такомиллаштирмай туриб, қайта қуришни тасаввур қилиб бўлмайди.

Эҳтимол, қабул қилинган қарорларнинг ижросини уюштириш бизнинг ишимиздаги энг бўш бўғиндир. Қарорлар биз учун шунчаки хўжакўрсинга керак эмаслигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида таъкидланганидек сўз ва иш бирлиги қайта қуришнинг энг муҳим шартидир.

Совет қарорларининг ижроси билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқиш учун кун тартибига ҳамон ондасонда киритилади. Ижроия комитет аппаратларида қарорларнинг ижросини назорат қилишнинг аниқ системаси йўқ. Ижроия комитет раисининг ўринбосарлари, бўлимларнинг мудирлари бу масаланинг моҳиятини ҳали тўла тушуниб етмаганлар. Шунинг учун ҳам Советларнинг кўпгина қарорлари бажарилмай қоляпти.

Кўчалар, транспорт магистраллари, ҳовли-жойларнинг аҳволи, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим ҳаётий масалалар қандай ҳал этилганлигига қараб шаҳар аҳолиси ижроком қарорларининг бўлимлар ва бошқармалар томонидан қандай бажарилаётганлигини баҳолашлари мумкин. Кўчаларни кавлашга кавлаб қўйиб, тезроқ қайта текисламаётганлигимиз, ахлатларни ўз вақтида ташиб олмаётганлигимиз, сувсизликдан дов-дарахт ва гиёҳларнинг қуриб қолаётганлиги учун шаҳар меҳнаткашлари олдида жавобгардирмиз. Кварталларда кўча чироқлари ва суғориш тармоқларининг йўқлиги учун шаҳарликлардан кўплаб шикоятлар тушиб турибди. Ҳамон уйларга кириладиган йўлаклар супуриб-сидирилмайди, бу ердаги эшик—деразалар ўз вақтида ремонт қилинмайди, ойналар солинмайди.

Советлар ва улар органлари қарорлари билан аҳолини кенг ва чуқурроқ тушунтиришнинг қулай формаларини топишимиз ,уларнинг фикр ва мулоҳазаларини, таклифларини биз ҳам ўрганиб боришимиз лозим. Совет сессиялари материалларини меҳнат коллективларида аввалдан муҳокама этиш ҳануз хўжакўрсинга ўтказиляпти. Коллектив аъзоларининг активлиги сезилмайди. Турар-жойларда ўтказилаётган йиғилишлар эса ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Бу ерда шаҳар Советининг ташкилотчилик роли ҳали сезилмаяпти.

Сессияларда депутатлик сўрови кўпроқ қўлланилмоқда. Бироқ бир қатор бўлимлар ва бошқармалар бу сўровларнинг бажарилишига жиддий ва масъулият билан ёндашмаяптилар. А. Т. Хамидов шаҳар Совети VI сессиясида депутатлар сўровига жавоб берар экан, 9-микрорайонни ободонлаштириш ишларини 1987 йил май ойигача тугатишни ваъда қилди. Аммо бугунгача аҳвол ўзгаргани йўқ. Уй-жой хўжалиги тресті (ўртоқ Т. Т. Шамшиметов) депутатлик сўровини бажаришга ўта масъулиятсизлик билан муносабатда бўлди. Ижроия комитетнинг ташкилий бўлими эса сессия қарорининг бажарилишини назорат қилмади.

Депутатлик группалари ва постларининг корхона ва ташкилотлардаги, айниқса, шаҳарликларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги активликлари сезилмаяпти. «Электромаш», «Металлург» микрорайонларидаги депутатлик группалари микрорайонни Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача ободонлаштириш, «Узбекхиммаш», ва трансформатор заводларидаги ишлаб чиқариш депутатлик постлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган резервларни ишга тушириш соҳасидаги ташаббусларини ҳали амалга оширганларича йўқ.

Депутатлик группалари Советлар билан сайловчиларни ўзаро боғловчи бўғин вазифасини ўтамаяптилар. Улар умумий муаммо ва вазифаларни ҳал этишда меҳнаткашлар билан аҳолини бирлаштиришлари лозим. Бу камчиликда шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-оммавий ишлар бўлимининг ҳам маълум даражада айби бор. Бу бўлим депутатларга группаларда ҳам, сайлов округларида ҳам ўз ишларини ташкил этишда зарур ёрдам бермаяпти.

Ижроия комитет раҳбарлари ва унга бўйсунувчи ташкилотлар сайловчиларнинг наказлари билан ишлашга муносабатни кескин ўзгартиришлари лозим. Янги чақириқдан сўнг ҳар бир депутат камида биттадан наказга эга бўлади.

Ижроия комитет бўлимлари ва хизматлари раҳбарлари гражданларнинг хатлари билан ишлаш, уларнинг талаб ва истакларини қондириш ишидаги ўрнашиб қолган нотўғри системани ўзгартиришга янада танқидий ва масъулият билан ёндашишлари лозим. Меҳнаткашларнинг таклиф ва истакларига эътибор билан қараш, уларни тўғри тушуниш ва баҳолаш демократлаштиришнинг таркибий қисмидир. У кишиларнинг ижтимоий активлигини ошириш, коллективда талабчанлик, ишчанлик ва ижодий муҳитни вужудга келтиришга даъват этилгандир.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми талаблари асосида кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш зарур. Шаҳар хўжалиги, бошқарма аппаратини сиёсий ва назарий етук, ғоявий ва ахлоқий жиҳатдан юксак тарбияланган, пухта билимли кадрлар билан мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Ижроия комитет бўлимлари ва бошқармаларининг айрим раҳбарлари ишга эскича ёндашишдан, маъмурий-кузатувчилик услубидан воз кеча олмаяптилар. Бу архитектура бўлими, «Водоканал», «Чирчиксвет» бошқармалари раҳбарлигига, айниқса тааллуқлидир. Уларнинг юқори ташкилотларга мурожаатлари одатда шундай бўлади: улар марказий инстанцияларга келадилар, муаммони кўндаланг қилиб қўядилар. агар бу ердагилар кўнишмаса, рад этишса, қайтиб кетаверадилар.

Шундай қилиб, чоралар тадбирлар билан алмаштирилади, айрим ўртоқлар беҳуда ҳаракат билан вақт ўтказаверадилар. Масалани кўндаланг қилиб қўйдикми, демак, вазифамизни бажарди. деб ўйлашади. Ҳолбуки, бу ёқда ер участкаси ажратиш, шаҳар ахлатхонасини бошқа ёққа кўчириш, сув чиқариш иншооти қурилишининг сустлиги, кўчаларга ёритгичлар ўрнатиш ва борларини реконструкция қилиши каби ҳаётий масалалар ҳал бўлмай ётаверади.

Ташкилотчилик фаолияти услуб ва методларини қайта қуриш билангина камчилик ва нуқсонларни йўқотиб бўлмайди. Хўжалик ва социал-маданий қурилишни яхшилаш учун тафаккуримизни қайта қуришимиз, кўп йиллардан бери ўрнашиб қолган бир қолипдаги иш услубидан воз кечишимиз керак.

Халқ депутатлари шаҳар Совети, унинг ижроия комитети, бўлимлари ва бошқармалари, депутатлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини шаҳарликларнинг социал-сиёсий ва маънавий ҳаётларини тубдан ўзгартиришга қаратадилар, ўн иккинчи беш йиллик учун мўлжалланган планлар ҳамда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун зарур даражада қатъийлик ва ташаббус кўрсатадилар.

---

*АТЕИЗМ*

# ЛЕКТОРЛАР МАҲАЛЛАЛАРДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида диний хурофотларга ва айниқса. атеистик тарбияни сафсатабозликдан иборат шиорлар билан ниқоблашга уринишларга қарши кескин кураш олиб бориш кераклиги алоҳида уқтириб ўтилди. Пленумда айтилганидек, бу ишда бепарволик ва лоқайдликка асло йўл қўймаслик керак.

Қарийб йигирма беш йилдан буён узлуксиз ташвиқот-тарғибот ишлари билан шуғулланаман. Пенсияга чиққанимдан кейин эса, лекторлик ҳаётий фаолиятимнинг асоси бўлиб қолди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси сифатида кўпроқ ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида лекция ишларини олиб бораман. Аммо бу менинг атеизм билан шуғулланишимга халақит бермайди.

Аввало шуни айтиш керакки, одамларда юксак онглиликни, Ватанга садоқатни тарбиялаш атеизм билан чамбарчас боғлангандир. Ватанпарварлик — ҳаёт ва турмуш тарзини янгича асосда бутунлай қайта қуриш, янги анъана ва удумларимизни сўзда эмас амалда бажариш, мавжуд камчилик ва нуқсонларга қарши муросасиз курашиш каби омилларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Октябрь районининг «Марказ-27» турар-жой массивида биз ана шу масалаларга асосий эътиборни қаратяпмиз. Бу соҳада якка-ёлғиз эмасмиз. 49-ЖЭК ихтиёрида 22 коммунист бор. Уларнинг кўпчилиги уруш қатнашчилари, меҳнат ветеранларидир. Виктор Тарасченко, Мўмин Мирзаев, Рашид Нурматов, Ёқубжон Тошхўжаевлар ўзларининг яхши сўз ва маслаҳатлари, ташвиқотчилик ишлари билан кўпчиликнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлганлар. Улар катталарга ҳам, ёшларга ҳам баб-баравар таъсир кўрсата оладилар. 102-ўрта мактаб. «Чархкамолон», Ильич. «Кўмирчи» маҳаллалари аҳолиси бизнинг бой ҳаётий тажрибамиз асосида ўқиган лекцияларимиз, ўтказаётган турли-туман, қизиқарли суҳбатларимиздан баҳраманд бўлмоқда.

Жойларда совет турмуш тарзини қарор топтириш, совет байрамлари ва анъаналарини пропаганда қилиш, диндорларнинг шахсини камситмаган ҳолда, уларнинг руҳига, қалбига таъсир кўрсата билишга ҳаракат қиламиз. Бугина эмас, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғояларини ҳаётга сингдириш, партия ва давлатимизнинг ички ва халқаро ҳаётда олиб бораётган ажойиб ишларини одамлар онгига етказиш, ахлоқ ва одоб мавзулари, ичкиликбозликка қарши кураш, тартиббузарлик ҳолатларининг олдини олишга ҳам алоҳида аҳамият беряпмиз. Шу ўринда милиция подполковниги Қобил Тошмуҳамедовнинг социал адолат, ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги суҳбатлари, клуб мудири Мирвосил Мусаевнинг оммавий-маданий ишларни кучайтиришга, Мўътабар Турсунованинг Совет хотин-қизлари ҳаётига бағишланган лекциялари кишиларда зўр таассурот қолдираётганлигини айтиб ўтиш керак.

Ўқилаётган лекция ва ўтказилаётган тадбирларнинг самараси сезилмоқда. албатта. Тўйларимиз янгича ва мазмунли, ичкиликсиз ўтмоқда, ёшларнинг никоҳ кечаларига таклиф этилган хонанда ва созандалар хизмат қилмоқда. Маҳалламизда Абдуазим ака ўғил уйлантирди. Қани энди ҳамма тўйлар ҳам шундай ўтса! Дастурхонга фақат ширинликлару, шарбат суъвлари тортилди. Яна бир муҳим томони, биз ана шундай кўп одам йиғиладиган маросимлардан тарғибот ишларида ҳам унумли фойдаланаяпмиз. Чунончи, никоҳ тўйлари ва бошқа шунга ўхшаш йиғинларда серфарзанд оталар, пиру-бадавлат оталар, меҳнатсевар, камтар кишилар ҳаёти тилга олинади, ёшларни улардан ўрнак олишга даъват этамиз.

Курмаксиз гуруч бўлмаганидек, ишимиздаги баъзи камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Гап шундаки, ҳар қанча лекция ва суҳбатлар ўтказмайлик, оммавий-сиёсий ишларни нечоғли кучайтирмайлик, барибир, баъзи ёшлар. ҳатто катта ёшдаги кишилар онгида ўрнашиб қолган эскича урф-одатларга тўлалигича барҳам беролмаяпмиз. Дин ва диндорликни бутунлай йўқотиш осон эмас. Бу тўғри. Аммо, одамлар психологиясига таъсир этишнинг янги форма ва усулларидан самарали фойдаланяпмизми, деган саволга ҳам ижобий жавоб айтолмаймиз. Хўш, нима учун?

Маҳаллада ва бошқа жойларда кўпчилик ҳузурида лекциялар ўқиб, гавжум заллар, тантанали минбарларга ўрганиб қолганмиз. Бевосита турар-жойларда, яккама-якка суҳбатлар ўтказишга ҳар доим ҳам эътибор беравермаймиз. Ҳолбуки, бугунги қайта қуриш, жадаллаштириш жараёни аввалам бор одамларнинг, ҳар бир кишининг қалби орқали ўтадиган, медиклар тили билан айтганда, шифобахш ниначадир. Ана шу оддий нарсага янгича назар билан қаратолмаяпмиз. Кўп сонли лекторларимизнинг минбарларга етган қадами аҳоли истиқомат жойлари-ю, хонадонлар остонасига келганда узилиб қолмоқда. Кишилар онгига таъсир этиш, биринчи навбатда, ҳар бир конкрет шахс учун курашиш кераклигини унутмаслигимиз лозим.

**С. ТОИРОВ,**
**Октябрь районидаги 49-ЖЭК бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, «Билим» жамияти аъзоси.**

---

# УМИДБАХШ НАТИЖАЛАР

«КОМФОРТ» мебель бирлашмасининг буюмларга машинада ишлов бериш цехида меҳнат унумдорлиги ўн процент ошди. Бу — йириклаштирилган хўжалик ҳисобида ишловчи комплекс бригада ташкил этилганлигининг натижасидир.

Олег Ким бригадаси асосан созловчилардан ташкил топган. Улар биринчи навбатда иш графигини қайта кўриб чиқдилар. Яқин вақтларда ҳам бригада аъзолари сменада станоксозлар билан бирга иш бошлар эдилар, эндиликда эса улар ишга бир соат олдин киришадилар.

Натижада ускуналарнинг бекор туриб қолиши камайди, станоклар ва технология линияларининг пишиқлиги ошди. Тадбирлар комплекси асосий маҳсулот: ошхона мебеллари туркуми, китоб жавонлари ва бошқа буюмлар сифатига дарҳол яхши таъсир кўрсатди.

(ЎзТАГ).

